

КОРРУПЦИЯ БАРЧАМИЗ УЧУН ТАХДИД

Коррупция – жамиятнинг иқтисодий тараққиётини издан чиқариб, адолатсизлик натижасида инсонлар ўртасида нотенгликни юзага келтирувчи, айрим мансабдор шахсларнинг ноҳалол йўл орқали маблағ орттириб, жамият таназзулига юз тутишига сабаб бўлувчи, қисқача айтганда, барча мамлакатлар олдида турган глобал муаммо ҳисобланувчи жирканч иллат саналади. Бу иллатга қарши неча минг йилдан буён қарши кураш олиб борилсада, чек қўйишнинг имкони бўлмаяпти. Ҳаттоқи Куръони каримда ҳам порахўрлик бўйича шундай дейилган: “Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг. Билиб туриб одамларнинг молларидан бир қисмини ейишингиз учун уни ҳокимларга гуноҳкорона ташламанг”.

Коррупция – бир сўз билан айтганда ҳамма нарсанинг офати, ниятларни пайҳон қиласидиган, орзуларни топтаб ташлайдиган, адолат илдизига болта уриб, инсон қаддини букиб қўйишга қодир ички душман у.

Коррупция – инсон ақлини оздириб, нафси қулига айлантиришга қодир мўрт туйғу, ёлғонларларда ялтираб кўринган сохта олтин, гуллаб турган ҳаёт рангини хиралаштирадиган, одамлар хавфсизлигига таҳдид солиб, уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа хунук ҳодисаларнинг илдиз отиб кетишига шароит яратиб берадиган сохта юзсиз дўст у. Коррупция – аралашган жойда истеъодд чекиниб, бачканалик ўзини намоён эта бошлайди. Мағлубиятга мукофот тегиб, ютуқ ва малака ғолиблик майдонини тарқ эта бошлайди. Амал курсисига ўрнашиб олган субитсизлик сабаб ривожланиш жараёни чириш босқичига кўчади.

У сабаб, ҳақ ўрнини ноҳақлик, поклик ўрнини нопоклик, адолат ўрнини эса зулум, хиёнат эгаллади.

Ҳар бир инсон ҳалол ризқ талаб қилиши билан бирга, бировнинг ҳаққидан ҳазар қилиши ва ўзгаларнинг молини ноҳақ йўллар билан ўзлаштираслиги ўта муҳимдир.

Ҳаётда ўзгаларнинг ҳаққига тажовуз қиласидиган, ўзгалар молини ўзлаштириб оладиган кимсалар, гарчи кўзга “уддабурон кишилар” бўлиб кўринса-да, ночор ва бечора, баҳтсиз кишилар айнан ўшалардир.

Назаримда бу офатлардан қутилишнинг ягона йўли андиша тарозиси ва ҳуқукий саводхонлик. Ана шундагина бошқа кўплаб муаммолар қатори порахўрлик муаммосининг ҳам олди олинади.

Фарзандларимизга болалигидан покни нопокдан, ҳалолни ҳаромдан фарқлашни ўргата олсак биз бу муаммо ечимиға олиб борадиган калаванинг учини топган бўламиз.

Демак, коррупцияга қарши курашиш биринчи навбатда оиладаги муҳит ва таълим-тарбиядан бошланади.

Қадрли металлурглар!

Фарзандларимизни коррупция, порахўрлик каби ҳаром топилган бойликларга нафрат руҳида тарбияласак албатта келажагимиз порлоқ бўлади. Мамлакатимиз мустаҳкам, ҳалқимиз фаровон, юртимиз гуллаб яшнайди.

Ҳасанбой ШОКИРОВ.

Комплаенс хизмати билан ҳамкорликда тайёрланди.